

Илмий-назарий, адабий,
маънавий-маърифий журнал.
Таъсисчи:

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлиги Тошкент давлат
шарқшунослик институти,
1992 йилдан чиқа бошлаган

Журнал Ўзбекистон Республикаси
Тошкент шаҳар матбуот ва ахборот
бошқармаси рўйхатидан қайта ўтган
(№ 02-0055 16 январь 2007 й.)

Бош муҳаррир:
А.МАННОНОВ

Таҳрир хайъати:
Б. АБДУҲАЛИМОВ
Р. АБДУЛЛАЕВ
С. ҲАСАНОВ
Т. МУХТОРОВ
А. ҚУРОНБЕКОВ
Қ. СОДИҚОВ
О. ШОМАТОВ
М.АКБАРОВА
М. ИСҲОҚОВ
Д. ПЎЛАТОВА
У. ИДИРОВ
А. ҲАБИБУЛЛАЕВ
(Журналнинг мазкур сони
масъул котиби)

Г. РИХСИЕВА
(бош муҳаррир ўринбосари)

Нашрга тайёрловчилар:
Д. АРИФЖАНОВА
М. ЗАРИФОВ

Журнал оригинал-макет асосида
босилди.
Шарқ машғали, 2012 йил 2-сон
Индекс 75460.

E-mail: sharq_ilmiy@inbox.uz
Веб сайт: www.tashgiv.uz

**Журнал докторлик ва номзодлик
диссертациялари юзасидан
филология йўналиши бўйича илмий
мақолалар чоп этилиши лозим
бўлган илмий нашрлар рўйхатига
Ўзбекистон Республикаси Олий
Аттестация Комиссияси томонидан
киритилган.**

Босишга рухсат этилди 22.12.2012
Бичими 84x108 1/16 Шартли б.т. 3,75
100 нусхада босилди. Буюртма №
Баҳоси келишилган нархда.
Тошкент, Шаҳрисабз кўчаси, 25.
© Тошкент давлат шарқшунослик
институти, 2012.

Таҳририят нуктаи назари муаллиф
фикридан фаркланиши мумкин.

Ш А Р Қ М А Ш Ё А Л И

ISSN 2010-9709

МУНДАРИЖА №2 (42) 2012 йил

*Тил,
адабиёт ва
санъат*

Ғаниева С. “Шўғ таъблиғ ва мутассариф зехнлиғ” шахзода	2
Арипов З. Туркий сўзлар девони “ديوان لغات الترك”да муסיқашунослик атамалари	5
Лафасов Ў. Қодирийнинг қайғуси.....	7
Худойбергеннова З., Мамаражабов Б. Такрорга асосланган бадиий санъатларни қўллашда Бобур махорати	11
Рихсиева Г. Насрда феъл поэтикаси.....	16
Ҳошимова С. Хитой тилида сўз қўшиш усулининг копулятив модели ҳақида	19
Зиёвуддинова М. Ҳазрати Алишер Навоий ғазалларида ички қофия	22
Шабиев К. Кул Тигин ёдгорлигининг хитойча матни	25
Турдиева О. Эрон ҳикоянавислигининг ўрганилиши тарихига доир.....	29
Тўйчиева О. Фахрий Ҳиравий ижодининг ўрганилишига доир баъзи мулоҳазалар.....	31
Хўжаева Г. Тарик Буғранинг “Усмон ғозихон” романида тарихий воқелик тасвири ва аёллар образи	35
Қорабоев С. Амир Ҳамза Шинворий рубойларида тасаввуф истилоҳлари	39
Абдуғафурова З. Ли Сан модерн шеърятда миллийлик	42

*Тарих ва
фалсафа*

Давлатов О. Ибн Арабий маслагига доир айрим мулоҳазалар.....	45
Эргашева К. Ўзбекистон ва Жанубий Ҳиндистон маданий алоқаларида Буюк ипак йўлининг ўрни.....	50

*Маишур
шахслар*

Алимбеков А. Жаҳон адабиёти тарғиботчиси.....	55
--	----

НАСРДА ФЕЪЛ ПОЭТИКАСИ

Гулчехра РИХСИЕВА

доцент, филология фанлари номзоди, ТошДШИ

Бадий сўз тилнинг имкониятлари, мумтоз ва замонавий адабиётнинг тил хазинаси, сўз санъаткорларининг ижодий салоҳияти ҳақида баҳс юритиш учун катта асос ҳисобланади. Бадииятни таъминловчи тил унсурларининг намоён бўлиши, асар муаллифининг мақсад ва ғояларини ақс эттиришда қай даражада уйғун қўлланганини тадқиқ этувчи лингвопоэтика тадқиқотчидан адабиёт ва тил, назм ва наср каби тушунчалар ўртасидаги муштарақликлар ҳамда ўзгачаликларга алоҳида эътибор беришни талаб этади.

Поэтика тушунчаси, унинг моҳияти ҳақида кўплаб илмий асарлар яратилган. Баъзи ҳолатларда поэтикани фақат шеърият учун хос деб тушуниш ва талқин этиш ҳам учрайди. “Поэтика поэзия (шеърият)ни санъат сифатида ўрганадиган фандир” [http://ameshavkin.narod.ru/litved/grammar/lit/jirmin/zadaci_p.htm, *Задачи поэтики. Напечатано первоначально в журнале „Начала“, № 1 (1921); в переработанном и дополненном виде – в сборнике “Задачи и методы изучения искусств” (изд. “Academia”, 1923).*]. Аслида “поэтиканинг вазифаси адабий асарларнинг тузилиш усуллари ўрганишдан иборат. Поэтиканинг ўрганиш объекти бадиий асардир” [Томашевский Б.В. *Теория литературы. Поэтика: Учеб. пособие.* – М.: Аспект Пресс, 1996. http://philologos.narod.ru/tomash_poetika.htm]. Шунингдек, бадиий асарни лингвистик тадқиқ этиш ёки адабиётшунослик нуқтаи назаридан ўрганиш масалаларида ҳам турлича қарашлар мавжуд. Масалан, “Поэтика – умуман, вербал ахборот алмашинувининг, хусусан, шеъриятнинг поэтик функцияларини лингвистик тадқиқ этиш” [<http://ameshavkin.narod.ru/litved/grammar/jakobson/question.htm>, *Вопросы поэтики. Постскриптум к одноименной книге*] каби қарашларда матннинг тилшунослик нуқтаи назаридан ўрганилиши кераклиги таъкидланади.

Поэтика адабиётшунослик ёки тилшунослик жиҳатдан ўзига хос таҳлилни талаб этадиган, ўрганиш объекти бир, яъни матн бўлишига қарамай, ёндашувнинг турлича эканлиги маълум, аслида ҳар икки тадқиқот

шакли ҳам бадииятнинг тадқиқига қаратилганлиги билан аҳамиятга молик.

Шеъриятдаги поэтика ва насрдаги поэтика масаласига қайтсак. Шундай насрий асарлар учрайдики, уларни худди шеърдай ўқиймиз, кўшиқдай қўйлагимиз келади. Бунинг сабаби филолог олимларгаю ижодкорларга сир эмас. Тасвирнинг жонли эканлиги, ўқувчини ҳаётий ва ҳаёлий тасаввурлар билан воқеотга олиб кириб кетувчи, бадиияти кучли насрий асарлар сирасига яқиндагина ўқиганим – Ҳалима Аҳмедованинг “Ёввойи тановар” хикоясини ҳам киритган бўлардим. Асар қисқагина бўлишига қарамай, катта бадиий кучга эгалиги билан эътиборимни тортди. Ёзувчининг мақсади, асардаги образларнинг характери юзасидан эмас, айнан муаллифнинг сўз қўллаши, бадиий тасвирнинг оригиналлиги, унга хизмат қилган тил воситаларини таҳлил қилишни мақсад қилиб қўйдим.

Асарда ёшгина қизалоқнинг тилидан унга қаттиқ таъсир қилган бир воқеа келтирилган. Беғубор бир қизалоқнинг тилидан келтирилган тасвирлар аслида шу ёшгина қизга тегишли эканлигига шубҳа қилиш мумкин, лекин ундаги тасаввур оламининг кенглиги ва нозиклиги муаллифнинг услубига моҳирона сингдирилганки, бу ҳолат ёзувчининг мақсадини ёритишга қаратилган. Асарда танланган ифодаларнинг оригиналлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Онасининг янги келиндек ясаниб олган ҳолатини кўрган қизалоқ “... катта-катта қоп-қора кўзларининг ичида қуёш ҳузур қилиб сузади. Онамнинг кўзларига кириб олган қуёшга ҳавасим келади...” - дейди. Беихтиёр Эркин Воҳидовнинг

Нега сенга тик қаролмам, кўзларинг офтобми ё,

Офтоб аксин кўзга солдинг ўйнашиб кўзгу билан...

мисралари ёдимга тушди.

Ёки Ҳамид Олимжоннинг “...кўзинг осмонга тушганда ловуллаб офтоб куйгай...” мисрасини эсга олайлик. Аёлнинг кўзидаги меҳр, қувонч, чирой, бахт унинг нигоҳларидан нур каби таралиши, қуёшнинг тафти каби ҳарорат бахш этиши, ҳаттоки, қуёшдан-да иссиқроқ бўлиши тасвирланган. Бу ҳолатнинг ёр тасвирида берилишини кўп учратамиз, аммо ҳикояда бу ҳолатнинг онага нисбатан ишлатилиши, айниқса, бола тилидан айтилиши ниҳоятда таъсирли чиққан.

...Бироз ўтгач, боласининг ножўя гапини эшитиб, жаҳли чиққан онанинг “...ҳалигина қуёш сузиб юрган кўзларида чақмоқ чақнади”. Тасвирда қўлланган ташхисга таносуб ҳам кўшилди...

Ташхиснинг яна бошқа мисолларини яна қуйироқда кузатамиз: “*Матлаб холанинг ҳовлиси бирам файзли. Деворлардан эмакляб, қўшинининг ҳовлисига ўғрилиққа тушган толорлардаги узумлар мезон қуёшида товланади. Асаларилар тилидан бол томиб, уларни мақтагани-мақтаган: —Зўр, зўр....*” Парчадаги 3 та ажратиб кўрсатилган феъл сўзлар диққатни тортади, айнан улар воситасида тасвирнинг таъсирчанлиги таъминланган.

Қиз доира жўрлигида қуйланаётган қўшиқни тушунмайди. “...Аммо доиранинг овози юрагига урилади, юраги доиранинг овозига монанд ўйнайди...” Бу гапда ҳам феъллар матн поэтикасини кучайтирган: оҳангларнинг кўнгилга таъсир қилиши, таъсирланган инсоннинг руҳий ва жисмоний ҳолати ниҳоятда жонли ифода топган. Қуйидаги тасвирга эътибор беринг: “*Гавҳар опа эртақлардаги париларга ўхшайди. Узун сочларининг учи кўнгириқ тим қора қошлари остидан ҳазин боқадиған кўзларига қандайдир мунг ин қуриб олган...*” Кўзларга мунгнинг ин қуриши ифодасидан яна Навоийни эслайман:

“Қаро кўзим келу мардумлиг эмди фан қилгил

Кўзим қаросида мардум киби ватан қилгил...”

Кўзларда “жойлашиш”, “яшаш”, “муқим қолиш”, “истиқомат” маънолари мумтоз шеърятдан кўчгандек. У ҳам тасвирнинг жонли, таъсирчан бўлишига, бадий рух олишига асос бўлган.

«...Гавҳар опа ҳовлига кириши билан нурлар ёқимли ифордан **чучкиргандай бўлади...**» нурнинг ифордан чучкириши ифодасидаги феълга эътибор берайлик. “Акса уриш” ўрнида шевага хос “чучкирмоқ” феълнинг қўлланиши айнан мана шу нозик тасвирга монанд бўлса, унинг нурга нисбатан айтилишидан мақсад нима? Муаллиф юқорида таърифлаган файзли хонадонда, ўйин-кулгу ва шодликка тўла ҳовлида хуррамлик ва меҳр нурлари таралган ҳолда Гавҳарнинг кириб келиши гўзаллиги ва ёқимли ифори билан бутун ҳовлини янада жонлантиргандек бўлади. Муаллиф томонидан айтилган қискагина тасвирда бу ҳолат ниҳоятда моҳирона ифода топган.

Асарда образларнинг хатти-ҳаракати, портрети, фикрлари уларга нисбатан танланган сўзларда намоён бўлади. Хусусан, ҳикоядаги Гавҳар — бахтига етолмаган, алданган қиз, лекин Худо уни ажойиб овоз, истеъдод, гўзаллик билан сийлаган. Уни кўз олдимизда шундай намоён қилувчи тасвирлардан бирига эътибор берайлик: “...Гавҳар опа уялиб-уялиб қуйлайди. Йўқ, кўнгилининг йиғлашига ўхшаган овозда қуйлайди”. Уялиб-уялиб қуйлаш, кўнгилининг йиғлаши каби ифодаларда яна феълли бирикманинг асар поэтикасини таъминлашдаги ўрнини кўрамыз. Қўшиқ авжига чиққанда Гавҳарнинг “*овози булутларга бориб тегади. Булутларнинг бағри чок-чок сўкилади*”. Ҳикоя қилаётган қизчанинг “ҳали вужудини **искамаган қайғулар оёғини қучиб йиғлайди**. **Хиёнатдан қаварган дунёнинг юрагини мезон шамоли чимчилаб-чимчилаб ўтади...**” Биргина қўшиқ таъсирида ғамгин ҳолат, хиёнат, дунё ташвишлари — барчаси мезон шамолининг “ҳаракати” билан якун топади.

Тасвирдан узила олмаймиз: “*Ҳаётнинг ичидаги ҳаётга мўралагим келади. Кучим етмайди. У узоқ қуйлайди. Ҳали умримда кўрмаган тоғларнинг қадам товушларини эшитаман. Кечикиб гуллаган дарахтларнинг фиғони қонимга киради. Юрагимнинг ярми кузга, ярми баҳорга айланиб тортишади. Мен уларни яраштираман. Ҳеч нарсани тушунмай йиғлаётган кўзимнинг ғамига шерик бўламан. Ҳаёт яна юзига пардасини тортади. Нур ва соя бирдан қовушади: — Ҳа, яшанг, овозингиз*”

ўзингиздан чиройли”. Тасвирий ифодаланган сўзлар, айниқса, феъллар таъсирни бошқариб бораётгандек бўлади.

Ҳикоянинг кейинги ўринларида кизнинг гўзаллигига ишора тарзида куйидаги “... узун қора учи қўнғироқ сочларини **ҳидлаётган** шўрхокнинг бахтиёрлиги...”, “узун сочининг қўнғироғига илинган бир дона хаснинг мезон шамолига **мақтаниб гердайиши**”ни ўқиб, яна беихтиёр мумтоз шеърятимиздаги ёрнинг гўзал тимсолини яратиш, ошиқнинг муҳаббати уни ҳар бир нарсадан кизғаниш ҳолати билан тасвирланган кўплаб ажойиб мисраларни эслайман.

Матнда муаллиф фойдаланган ифодаларда феълни алоҳида кўчма ифодалаган тарзда келишига яна куйидаги парчани келтиришимиз мумкин: “Гавҳар қўлига бир кафт шўрхокни олади-ю, қаттиқ сиқади. Нафис лабларидан оғир сўз **тўкилиб кетади**: – Но-мард!” Ҳикояда Гавҳарнинг муҳаббати воқеаси тўлиқ айтилмаган, аммо аҳдида турмаган ошиғи – унга тегиб турган шўрхокдай бир пайтлар бахтиёр бўлган Турсунбой агрономни (шўрхокни қаттиқ сикқан ҳолда) оғир сўз билан ёзғириб эслаши, тасвирнинг нозик кўчирилиши, маъноларнинг ўзаро боғланишини кўрамыз. Бу ўринда яна **тўкилиб кетмоқ** феълига эътибор берайлик: бу қўшилмада “беҳосдан амалга ошиш” маъноси мавжуд, унинг сўзга нисбатан қўлланиши ҳам маъно кўчиши, гўзал киз – Гавҳарнинг **нафис** лабларидан **оғир** сўзнинг чиқиши – **тўкилиб кетиш** қўшилмаси билан берилганки, унда контекстдан келиб чиққан ҳолда “беҳосдан”, “беихтиёр”, “ҳолсиз” ҳолатдаги ҳаракат жуда нозик тасвирланган.

Лабларнинг рамзий маънолари, мажозий тасвирлари, гўзал ташбеҳлари мумтоз шеърятда энг кўп қўлланган дейиш мумкин. Мазкур ҳикояда “...юлғун гулларида-да қирмизроқ лаблари атиргулнинг жуфт япроғидай

силкинади...” тасвири орқали кизнинг гапириш ҳолатидаги лаблари ҳаракати “атиргулнинг жуфт япроғидай силкиниши” ифодасига кўчирилиши феъл поэтикасининг оригинал мисолидир. Шу каби яна бир тасвирни учратамиз: “...Унинг жилмайиши олча дарахтининг гуллашига ўхшайди...” Бу ўринда ҳам **жилмайиш – гуллаш** феълига қиёсланган.

Қаҳрамоннинг мунгли ҳолати “Ёввойи тановар” кўшиғи оҳанглари билан шу даражада ҳамохангки, кизча ундан кўшиқнинг номини сўраганда Гавҳар “**ҳўл кипригининг учи билан шафақнинг суратини чизади...**” Кўшиқдан, қаҳрамонимизнинг гўзаллигидан, унинг ҳолатидан таъсирланган ёш киз эса “**Ёввойи тановар**”ни **умрининг чорбоғига гулдай ўтқазиб қўяди...**”, яъни бу воқеани умр бўйи унутолмайди, “**ичидаги фаслар уни қўйлаб ўтади...**”. Гавҳарнинг ўз муҳаббатига содиқ қолиб яшаб ўтганини кейинчалик эшитиб, “...умрининг чорбоғидаги **“Ёввойи тановар”** яна барқ уради, бутун дунёни шу гулнинг ифориға чўмилтиргиси келади. **Ёввойи хайёллари қирмизи гуллайди. Уларнинг гулларини тутиб ҳайқиради...**”

Ҳикоя қисқагина, аммо меҳр-муҳаббат, инсонийлик, гўзаллик тасвири, вафосизлик ва садоқат кураши беғуборлик, шунингдек, катта дард билан куйланган. Насрдаги оҳанглар, маънолар жилоси, бадий сўз қудрати ифодалари маҳорат намоиши – поэтиканинг яққол инъикоси.

Хулоса сифатида шуни таъкидлаш мумкинки, биргина ҳикоя матни мисолида таҳлил қилинган тасвирий ифодалар, айниқса, феъл сўзларнинг асар поэтикасидаги ўрни унинг насрдаги кучи назмдан кам бўлмаслигини кўрсатиб турибди. Бу, аввало, ёзувчининг маҳорати, тилимизнинг кенг имкониятлари билан боғлиқки, тилшунослик нуқтаи назаридан бу каби воситаларни таҳлил қилиш тил бирликларининг поэтик имкониятларини янада чуқурроқ очиб беришга хизмат қилади.

